

2-1-2018

USE ELASTICITY OF OFFERING MONEY TO GROSS DOMESTIC PRODUCT FOR DETERMINING TO DEMAND FOR MONEY

F. Allayarov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Allayarov, F. (2018) "USE ELASTICITY OF OFFERING MONEY TO GROSS DOMESTIC PRODUCT FOR DETERMINING TO DEMAND FOR MONEY," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 2.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**Аллаяров Ф.А. - Банк-молия
Академияси, катта ўқитувчи**

ПУЛГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ АНИҚЛАШДА ПУЛ ТАКЛИФНИНГ ЯИМГА ЭЛАСТИКЛИГИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мақолада пулга бўлган талабни шакллантиришда ялпи ички маҳсулот(ЯИМ) ҳажми ёки монетизация коэффициенти миқдори етарли эмаслиги асосланган. Пулга талабни ҳисоблашда пул таклифининг ЯИМга эластиклигидан фойдаланиш таклиф қилинган.

Таянч сўзлар: пулга талаб, пул таклифи, ялпи ички маҳсулот, монетаризм, кейнсчилик, монетизация коэффициенти, пул эмиссияси, баҳо, айирбошлаш тенгламаси, эластиклик.

В статье обоснована недостаточность объёма валового внутреннего продукта(ВВП) и величина коэффициента монетизации для формирования спроса на деньги. Рекомендовано использовать эластичность предложение денег по отношению к ВВП при определении спроса на деньги.

Ключевые слова: спрос на деньги, предложения денег, валовой внутренний продукт, монетаризм, кейнсианства, коэффициент монетизации, эмиссия денег, цена, уравнения обмена, эластичность.

The paper substantiates the insufficiency of the gross domestic product (GDP) and value of the coefficient monetization for formation of demand for money. At determination demand for money is recommended use elasticity of the money on GDP.

Key words: demand for money, the money supply, gross domestic product, monetarism, keynesvonstva, monetization ratio, issuance of money, the price the equation of exchange, elasticity.

Пулга бўлган талаб ва таклифни аниқлаш пул муомаласини тартибга солишнинг энг асосий масаласи ҳисобланади. Худди шунинг учун ҳам ушбу соҳада кўпгина изланишлар олиб борилган, турлича назарий қарашлар мавжуддир. Таҳлилнинг тўлалигига интилмасдан мазкур соҳадаги айрим фундаментал тадқиқотларни кўриб чиқайлик.

Халқаро Нобель мукофотининг соҳиби М.Фридмен ва унинг издошлари томонидан илгари сурилган пулга талаб назариясида ишлаб чиқариш жараёнларидан ташқарида шаклланадиган омилларга, яъни экзоген омилларга асосий эътибор қаратилади. Ушбу ҳолат қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$(M/P)_d = f(râ, rã, P, h, Y) \quad (1)$$

бу ерда M/P – реал касса қолдиқлари суммаси;

$râ$ - облигациялардан кутилаётган номинал даромад меъёри;

$rã$ - акциялардан кутилаётган ўзгариши;

P - баҳоларнинг кутилаётган ўзгариши;

h - инсон капиталига қилинган инвестициялардан кутилаётган натижалар;

Y - реал даромад.

Ҳақиқатан ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, М.Фридмен томонидан яратилган “пулга бўлган талабнинг барқарор функцияси” концепциясига кўра [1], пулга бўлган талаб касса қолдиқлари ва номинал даромаднинг ўсишига мос равишда камаймайди. Пулга бўлган талаб ҳар бир даврий ораликда барқарор миқдор сифатида сақланиб қолади, пул таклифи эса ўзгариб туради. Чунки, пул таклифидаги ўзгариш инвестициялар ва шахсий истеъмол ҳажмига таъсир кўрсатади. Шахсий истеъмолнинг ҳажми эса, номинал даромаднинг динамикасига мутаносиб тарзда ўзгаради.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида пулнинг тўлов воситаси функциясини бажара оладиган молиявий инструментлар (тижорат векселлари, чеклар, электрон пул ва ҳ.з.) муомаласи такомиллашди, ўзаро талаб ва мажбуриятларни сўндиришга асосланган ҳисоб-китоб усуллари ҳам жорий қилинди [2,3,4]. Ушбу ҳолатларни ҳисобга оладиган пулга бўлган талабнинг кенгайтирилган формулалари ҳам пайдо бўлди [5]. Лекин, юқорида қайд этилган формулаларнинг барча элементларини замонавий статистика маълумотлари орқали ҳисоблаб бўлмайди. Бу ҳолат уларнинг амалий аҳамиятини йўққа чиқаради.

Худди шунинг учун ҳам замонавий статистикага асосланган пулга бўлган талабни аниқлайдиган моделлар аҳамиятлидир.

Маълумки, пулнинг миқдорий назарияси ва монетаризм мактаби, вакиллари муомала учун зарур бўлган пул миқдорини И.Фишернинг алмашув тенгламаси орқали ифодалайдилар[6]:

$$M * V = P * Q \quad (2)$$

бу ерда M – муомаладаги пул массаси, пул таклифи;

V – пул бирлигининг айланиш тезлиги;

P – товарларнинг ўртача баҳолари;

Q – ишлаб чиқарилган товар ва кўрсатилган хизматларнинг физик ҳажми.

Тенгламанинг чап томони ($M*V$) моддий неъматларни сотиб олувчиларнинг пул тўловлари миқдорини, ўнг томони эса товарлар ва

хизматларни (P^*Q) ҳажмда маҳсулотни сотишдан олган тушумини (даромадини) ифодалайди.

Кейнсчиларнинг пул муомаласи ҳақидаги мушоҳадалари асосий макроиқтисодий айният ташкил этувчилари таҳлилига асосланган [7]

$$\text{ЯИМ} = C_a + G + I_n + X_n \quad (3)$$

бу ерда ЯИМ – ялпи ички маҳсулот;

C_a - аҳоли истеъмоли;

G – давлат харажатлари;

I_n – инвестиция;

X_n – соф экспорт.

Ушбу тенгликка асосланган назариянинг асосий мазмуни шундан иборатки, истеъмолчиларнинг жами харажати учун тўлов пул миқдори жами сотилган товарлар ва хизматлар қийматига тенг. Яъни, барқарорлик ҳолатида жами харажат ($C_a + G + I_n + X_n$) мамлакатдаги ишлаб чиқариш ҳажмига (ЯИМга) тенг.

Юқоридаги мушоҳадалардан шундай маъно келиб чиқади: монетаристларнинг (2) айирбошлаш тенгламаси билан Кейнсчиларнинг (3) макроиқтисодий айнияти эквивалентдир. Иккала тенглама бир хил жараёнга қилинган икки хил қарашдир, халос. Ҳақиқатан ҳам, M^*V пул миқдори монетаристларнинг кейнсча жами харажати ($C_a + G + I_n + X_n$) эквивалент тўлов миқдоридир. Ўз навбатида P^*Q эса номинал ЯИМга тенг, яъни $\text{ЯИМ} = P^*Q$.

Бошқача қилиб айтганда, миллий ҳисоблар тизими концепциясига (МХТ) кўра, ЯИМ монетаристлар формуласида *ишлаб чиқариш усули* билан ҳисобланса, кейнсчилар формуласида эса *охирги (пировард) истеъмол усули* билан аниқланади.

Лекин, пулга бўлган талабни фақат ялпи ички маҳсулотни ҳажми бўйича аниқлаш, бизнинг фикримизча, етарли эмас. Фикримизни исботлаш учун баъзи тушунчаларга тўхталиб ўтайлик.

Миллий ҳисоблар тизими концепциясига кўра “Ялпи ички маҳсулот МХТдаги энг асосий кўрсаткич бўлиб, мамлакат резидентларининг у ёки бу вақт давомидаги пировард товарлар ва хизматлари қийматини характерлайди” [8].

Масалан, Қува шиша заводида ишлаб чиқарилган миллиард сўмлик автомобил ойналарининг 400 миллион сўмлиги аҳолига сотилса, 600 миллион сўмлиги эса Асака автомобил заводида бутловчи қисм сифатида етказиб берилса, МХТ концепцияси бўйича, ЯИМ таркибига пировард истеъмол учун аҳолига сотилган 400 миллион сўмлик ойна киритилади, халос. Бутловчи

қисмлар нархи автомобил баҳоси таркибида ҳисобга олинади. Ушбу тамойил ЯИМни ҳисоблашда қайталаб ҳисоблашларни олдини олиш учун ишлатилади.

Масалани янада ойдинлаштириш учун жадвал кўринишида тасвирланган иқтисодий ресурсларнинг доиравий айланиш жараёнини кўриб чиқайлик [9].

1-жадвал


Доиравий айланишлар моделининг жадвал шаклида ифодаланиши

Иқтисодий ресурсларни етказиб берувчилар	Иқтисодий ресурслар бозори	Ишлаб чиқарувчилар	Товарлар ва хизматлар бозори	Пировард маҳсулот истеъмолчилари
<ul style="list-style-type: none"> – уй хўжаликлари; – корхона (фирма)лар; – давлат; – хорижий субъектлар 	<ul style="list-style-type: none"> – капитал (инвестицион товарлар); – ер ва бошқа табиий ресурслар; – меҳнат (ишчи кучи) – тадбиркорлик лаёқати 	<ul style="list-style-type: none"> – иқтисодиётнинг товар (хизмат)-лар ишлаб чиқарувчи корхона, тармоқ ва соҳалари 	<ul style="list-style-type: none"> – истеъмол товарлари; – инвестицион товарлар; – хизматлар 	<ul style="list-style-type: none"> – уй хўжаликлари; – корхона (фирмалар); – давлат; – хорижий субъектлар

Товарлар, хизматлар ва ресурсларни ҳаракати иқтисодий айланишда бир йўналишда: хомашё, бирламчи материалларни қазиб олувчи ва етказиб берувчи субъектлардан тайёрловчи корхоналарга, сўнгра қайта ишловчи корхоналарга, ундан сўнг эса пировард маҳсулотни ишлаб чиқувчи корхоналарга, сўнгра савдо ташкилотларига ва охирида истеъмол қилувчиларга етказиб берилади. Бу жараённи ҳарбир босқичида иқтисодий субъектларни фаолияти натижасида қўшимча қийматлар яратилиб, маҳсулот қиймати ортиб боради.

Товарлар, хизматлар ва ресурсларни ҳаракатига тескари йўналишда иқтисодиётни субъектлари орасидаги тўлов муносабатлари амалга оширилиб, пулга бўлган талаб шаклланади.

Буғдойнинг қийматини иқтисодий айланишдаги ҳаракатини кўриб чиқайлик [10] (1-расм).



1-Расм. Бугдой қийматининг иқтисодий айланишдаги ҳаракати.

МХТ концепциясига кўра, ишлаб чиқариш усули билан аниқланадиган ЯИМ кўшилган қийматлар йиғиндисидан иборат. Яъни, деҳқонлар яратган 500 пул бирлиги қийматига тегирмон яратган $(700-500)=200$ ни, нонвойхонанинг $(900-700) = 200$ пул бирлигини ва савдо дўконларининг $(1000-900) = 100$ пул бирлигини қўшсак, ЯИМ=1000 пул бирлигига тенг бўлади.

Ўзаро тўловлар учун керак бўладиган пулга талаб эса $500+700+900+1000=3100$ пул бирлигига тенгдир. Бу ҳолат пулга бўлган талабни аниқлашда ЯИМ ҳажми яққол етарли эмаслигини кўрсатиб турибди.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, пулга бўлган талабни ЯИМ ҳажми билан аниқлаш етарли эмаслигини академик Л.А.Абалкин ҳам айтиб ўтган ва ҳеч бўлмаганда реал ЯИМни инфляцияга коррективровка қилишни таклиф этган [11].

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, пулга бўлган талабни аниқлашда монетизация коэффициенти билан фойдаланиш ҳам унчалик етарли эмас. Маълумки [12], монетизация коэффициенти (R) (2) тенгламадан ўрин алмаштириш йўли билан ҳосил бўлиб

$$R = \frac{M}{P * Q} = \frac{1}{V}, \quad (4)$$


пул массасининг ЯИМдаги улушини ифодалайди. Бошқа томондан, (4) тенгламадан монетизация коэффициенти (R) пул айланиш тезлиги (V)га тесқари миқдор эканлиги кўриниб турибди. Ўзбекистонда пул айланиш тезлиги барқарорлиги юқори эмаслигини ҳисобга олсак (масалан 2009 йилда 5,7 ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 4,78 ни ва 2016 йилда 4.03 ни ташкил этган), монетизация коэффициенти ҳам барқарор кўрсаткич эмаслиги маълум бўлади. Шунинг учун, пулга бўлган талабни аниқлашда монетизация

коэффициенти ориентир вазифасини бажариши мумкин ҳалос, лекин тўлиқ асос бўла олмайди.

Бизнинг фикримизча, пулга бўлган талабни аниқлашда пул эмиссиясининг ЯИМга эластиклигидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Эластиклик коэффициенти пулга бўлган талабни нисбий ўзгаришини ЯИМни нисбий ўзгариши нисбатига тенг эканлигидан, уни қуйидагича ифодалаш мумкин,

$$E^D = \frac{\Delta M}{M} : \frac{\Delta \text{ЯИМ}}{\text{ЯИМ}} \quad (5)$$

Мазкур (5) формуладан фойдаланган ҳолда пул массаси (M2) ва ЯИМнинг 2001 -2016 йиллардаги жорий баҳолардаги қийматларига асосан [14], пулга бўлган талабнинг эластиклигини ҳисоблаймиз ва ҳисоблаш натижаларига кўра пулга бўлган талабнинг эластиклиги эгри чизиғининг ҳаракатланиш динамикасини қуйидаги график асосида тасвирлашимиз мумкин (2-расм).



Манба: Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб китоблари натижалари асосида шакллантирилди.

2-расм. Пулга бўлган талабнинг ЯИМ га нисбатан эластиклиги коэффициентининг ўзгариши

2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, ўрганилаётган давр давомида, яъни 2009 йилдан буён мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатига эга бўлган, бу эса, ЯИМнинг пулга бўлган талаб эластиклиги ҳам мос равишда тебранишларга эга эканлигини кўришимиз мумкин. 2000-2003 йилларда пул таклифига нисбатан пулга талаб юқори даражада бўлган ҳолда 2004-2005 ва 2010 йилларда пул таклифининг юқори даражадаги кўрсаткичлари

қайд этилган. Марказий банк томонидан амалга оширилган пул-кредит сиёсати натижасида 2011-2014 йиллар давомида пул муомаласида нисбатан мувозанатлашган ҳолатга эришилганлигига қарамасдан 2015 йилга келиб пул таклифига нисбатан пулга талаб юқори даражада бўлган ҳолат қайд этилган. Ушбу таҳлил натижаларидан маълумки, пул муомаласини барқарорлаштиришда доимий ва қисқа вақт оралиқларида кузатишлар олиб бориш ва таҳлил қилиниши келгуси давр учун пул муомаласини барқарорлаштириш сиёсатини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Бунда, пул айланмаси амалиётидан маълумки, эластиклик коэффиценти $E^D > 1$ шартни қаноатлантирганда пул массасининг ўсиши ЯИМ ўсишига нисбатан юқори кўрсаткичга эга эканлигини билдиради. Бу эса, иқтисодиётда ортиқча пул юзага келишини ифодалайди. Лекин, пул массасининг ўсиш суръати ЯИМга нисбатан юқори бўлишига қарамасдан иқтисодиётда пул танқислиги кузатилишига банкдан ташқари пул айланмалари сезиларли даражада таъсир кўрсатаётганлигини билдиради. Акс ҳолда эса, $E^D < 1$ бўлганда, муомаладаги пул массасининг ўсиш даражаси ЯИМ ўсиш суръатидан паст эканлигини билдиради, бу ҳолатни иқтисодиётда пул таклифи етарли эмаслиги билан изоҳлашимиз мумкин. Агарда, $E^D = 1$ бўлган ҳолатда иқтисодиётда пулга бўлган талаб ва таклиф мувозанатининг мувофиқлигига эришилади.

Шунинг учун ҳам пул айланмасини тартибга солишда E^D эластиклик коэффиценти таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Агар мазкур ҳолатни пул айланиш тенгламаси (2) ифодадан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, қуйидаги муҳокама жоиздир:

(2) ифодадан маълумки, тенгламанинг ўнг томони $P \cdot Q$ жорий ЯИМ миқдорини билдиради, агарда V пул айланиш тезлиги ўзгармаган ёки камаймаган шароитда M нинг ўсиши банкдан ташқари пул айланмаси ҳисобига содир этилаётганлигини ифодалайди.

Худди шунинг учун ҳам, Марказий банк пул муомаласини барқарорлаштириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва пул эмиссиясини режалаштиришда (5) тенгламадан (эластиклик коэффиценти) фойдаланиб пул массасини ЯИМга эластиклик коэффиценти 1 га тенглигига эришишни ориентир сифатида фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Пулга бўлган талабни эластиклик коэффиценти орқали ҳисоблаш нисбий миқдорларда олиб борилганлиги сабабли [13] пул эмиссияси маълумотларини конфеденциаллиги ҳам сақланиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бобакулов Т. М.Фридрихнинг пулга бўлган талаб ва пул таклифи концепциясининг аҳамияти // “Молия” илмий журнали. Тошкент, 2013. №3. 50-54 бетлар.
2. Веремченко С.А., Игудин Р.В. Банковская технология снижения уровня платежей // Банковские технологии. М.,1998. №3. с.38-40.
3. Закиров А.А. и др. Проблема не платежей в НХК “Узнефтегаз” и пути ее решения // Узб. Журн. “Нефти и газа”. Тошкент, 2002. №1. с. 4-5.
4. Абдугафаров А. Взаиморасчет как механизм оплаты ресурсов // Журнал “Бозор, пул ва кредит”. Тошкент, 2010. №4. с.55-56.
5. Аллаяров Ф.А., Абдугафаров А. Пул муомаласини тартибга солишнинг назарий асослари // “Иқтисодиёт ва таълим” журнали.-Тошкент, 2012. -№2, -18-21 б.
6. Эдвин Дж.Долан, Колин Д.Кемпбелл. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика: Пер. с англ. /М., 1996. -448 с.
7. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2т.: Пер. с англ. Т.1. –М.:Республика, 1992. –399с.
8. Абдугафаров А., Зокирова М.Ш., Қорабоев А.Р. Миллий ҳисоблар тизими. Тошкент, “Молия”, 2002 й. –88 бет.
9. Джураев Т.Т. Иқтисодий ресурслар доиравий айланиши жараёнининг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш омиллари. И.ф.д. ил. Дар. Автореферати. Тошкент–2007–40б.
10. Абдугафаров А., Мирзаев Х.М. Моделирование способов организации оплаты за ресурсы // Узб. Журнал “Проблемы информатики и энергетики” – Тошкент, 2009. -№1. –стр. 27-30.
11. Абалкин Л.А. Денежная масса, совокупный спрос и золото валютные резервы // Деньги и кредит –Москва, 2001. -№7. –с. 3
12. Зокирова М.Ш. Банк статистикаси. Ташкент. “Молия” 2009. –108б.
13. Абдугафаров А., Абдувахитов Т., Аллаяров Ф.А., Хасанова Х. Модели спроса и предложения и способы их вычислений. //сб. “Вопросы вычислительной и прикладной математики”. Ташкент. 2013. Вып. 129. стр. 123-130.
14. Исмоилов А. Пул тизимини ташкил қилиш ва тартибга солишнинг методологик асосларини такомиллаштириш и.ф.д. илмий. Дар. Автореферати. Тошкент–2007–40б.